



қадас тушунчаларнинг пойдевори оила шаронтида қарор топиши табиийдир” [2].

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т.6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429. 11 б.
2. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 28-бет.
3. Иноятова М. Таълимий қадриятларни аниқлаш ва педагогик амалиётга татбиқ этиши. – Т.: 2010. – 155 б.
4. Шарипов М. Миллий, маънавий қадриятларнинг тикланиши ва тарихий жараён. – Т.: Музика, 2005.
5. Шайхова Х., Назаров Қ. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
6. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. – Т.: Уқитувчи, 1996. – 192 б.



**БАРКАМОЛ ШАХС ВА УНГА ХОС СИФАТЛАР ТАЛҚИНИ**

**Н.НИШОНОВА,**

Абу Райҳон Беруний номидаги ТДТУ  
“Педагогика-психология” кафедраси доценти  
**Р.АЛЕУОВА,**  
Ажиниёзов номидаги Нукус ДПИ,  
Мактабгача таълим кафедраси  
катта ўқитувчиси, п.ф.н.

Мақолада “баркамол шахс”, “комил инсон” тушунчаларининг моҳияти очиб берилди. Баркамол шахс қиёфасида акс этиши зарур бўлган сифатлар тавсифи ёритилиб, уларга таъриф берилди.

**Таянч тушунчалар:** шахс, инсон, баркамол шахс, комил инсон, баркамоллик, баркамоллик сифатлари.

The article reveals the essence of the concepts of «harmonious personality», «perfect man». We consider the qualities necessary for the formation of a harmonious personality, given their analysis.

**Key words:** person, people, harmonious personality, the perfect man, the harmony, the harmony of the properties.

В статье раскрывается сущность понятий “гармоничная личность”, “совершенный человек”. Рассматриваются качества, необходимые для формирования гармоничной личности, дается их анализ.

**Ключевые слова:** личность, человек, гармоничная личность, совершенный человек, гармоничность, свойства гармоничности.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълим тизими олдида комил инсон (баркамол шахс)ни тарбиялаш вазифаси қўйилди. “Комил инсон” ва “баркамол шахс” тушунчалари айнан бир маънони англатадими ёки улар ўртасида муайян фарқлар борми? Zero, қўлаб манбаларда ушбу тушунчалар юзасидан турли фикрлар билдирилган.

“Педагогик атамалар луғати”да баркамол шахс, ҳам комил инсон тушунчалари шарҳланган бўлиб, улар мазмунан бир маънони англатишига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, “баркамол шахс – камолга етган, бекаму кўст, тўла-тўқис инсон, ақлдан ва ахлоқдан пок, жисмонан соғлом, нафосатли, жамиятда ўзлигини таниган, мустақил фикрлайдиган, эркин, ижодкор, ташаббускор, ишбилармон, фидойий шахс” [2, 10]. “Комил инсон – бекаму-кўст, тўлиқ камолотга эришган етук шахс” [2, 36]. Аслида “баркамол” ва “комил” тушунчалари



бир-бирига синоним саналади. “Комил” тушунчаси арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида “етук”, “тўлиқ”, “мукаммал” [6, 393] маъноларини англатади. “Баркамол” тушунчаси эса форсча-арабча сўзлардан ҳосил қилинган атама саналади. “Бар” форс тилида олд қўшимча саналади ва у арабча, форсча ҳамда тожикча сўзларга қўшилади. Бу қўшимча бир сифат-белгига эгалликни, давомийликни, йўналишни ифодаловчи сўз (сифат)ларни ясади [5, 161]. Шу сабабли манбаларда “баркамол шахс” ва “комил инсон” атамалари тушунча сифатида шарҳланаётган бўлса, улардан бири қўлланилиб, иккинчисининг худди шу ўринда синоним сифатида қўлланилишига изоҳ бериб ўтишнинг ўзи kifoy.

Айни ўринда шунини ҳам айтиб ўтиш жоизки, “Педагогик атамалар луғати”да баркамол шахс ва комил инсон тушунчалари шарҳланганда “бекаму кўст”, “тўла-тўқис” ибораларидан бирини қўллаш мақсадга мувофиқ эди. Чунки, “бекаму кўст” ҳамда “тўла-тўқис” иборалари айнан бир ҳолатни, яъни ҳеч бир камчиликка эга бўлмастек, ҳар томонлама мукамалликни ифодалайди. Бу ўринда тушунчаларнинг бирдек қўлланилиши “ҳеч бир камчиликсиз, ҳеч бир камчиликсиз инсон” ёки “мукаммал, мукаммал инсон” тарзида баён этилган.

2008 йилда chop этилган “Педагогика фанидан изоҳли луғат”да эса “баркамол шахс” тушунчаси қуйидагича шарҳланган: баркамол шахс – адолатли, виқонли, иймон-эътиқоли, меҳр-мурувватли, иродали, орномусли, матонатли ва чилдамли, эркин фикрловчи, ўз халқининг даҳолари учун курашувчи, ҳур фикрли ва истиқлол ғоялари билан сугорилган, ўз Ватанига фидойилик билан хизмат қилувчи, талбиркор ва ташаббускор озоод шахс” [3, 68]. Дастлаб худди шу тушунчага берилган шарҳ моҳиятига эътибор қаратилса, уни шарҳлашда муаллифларнинг жиждий камчиликларга йўл қўйганлиги маълум бўлади. Яъни, биринчидан, тушунчага аниқ шарҳ берилиши зарур бўлгани ҳолда, муаллифлар “баркамол шахс” эга бўлиши зарур бўлган сифатларини санаб ўтишган (одатда дастлаб тушунча шарҳланган, сўнгра унга хос сифатлар санаб ўтилади); иккинчидан, “ўз халқининг даҳолари учун курашувчи” ибораси мутлақо нотўғри ифодаланган (“даҳолар” сифатида қимлар назарда тутилмоқда, бу номаълум, қолаверса, “даҳолари учун курашувчи” дейилганда қандай ҳолат назарда тутилган – “даҳолар шаъни, обрўсини ҳимоя қилиш учун курашувчи”ми ёки “даҳоларга эга бўлиш учун курашувчи”ми?); Учинчидан, “истиқлол ғоялари билан сугорилган” инсон бўлмайдими, балки “истиқлол ғояларидан хабардор, улар



ни ёқловчи” инсон бўлади; тўртинчидан, “озод шахс” ибораси ҳам нотўғри қўлланилган, агар Ўзбекистон нуқтан назардан олинса, республиканинг барча фуқаролари мамлакат Конституциясида эътироф этилганлик, “озод шахс” саналади; бизнинг фикримизча, муаллифлар бу ўринда “эркин шахс” тушунчасини қўлланганларида мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки “озод шахс” тушунчаси ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жиҳатдан бошқаларга тобе бўлмаганликни ифодалайди, “эркин шахс” тушунчаси эса бирор бир шахс ёки туруҳларга ғоявий жиҳатдан бўйсунмаган, уларнинг ғоявий раҳнамоллигига рўй бераётган воқеа, ҳодиса ёки жараёнларнинг моҳиятини талқин этгани, уларга нисбатан ўз муносабатини билдирувчи шахсга нисбатан қўлланилади. Худди шу манбада “комил инсон” тушунчаси шундай шарҳланган: комил инсон – инсон ақлий такомиллашуви босқичларидан бири” [3, 222]. Бу ўринда эса муаллифлар томонидан том маънода хатога йўл қўйилган. Биринчидан, субъектнинг мавжуд ҳолати ифодалангани зарур бўлгани ҳолда шарҳ сифатида шахс камолотининг ривожланиши босқичи берилган; иккинчидан, комиллик фақатгина ақлий жиҳатдан такомилга етганини ифодаламайди; учинчидан, айни ўринда таянч (шарҳланган) тушунча ҳеч қандай “такомилга эришиш”ни ифодаловчи босқичлар ёки улардан бирига ташлуққи эмас.

Юқориди билдирилган фикрларга таянган ҳолда, “баркамол шахс” (“комил инсон”) тушунчасига шундай таъриф бериш мумкин: баркамол шахс – биологик (физиологик), руҳий ҳамда ижтимоий (ақлий, ахлоқий, жисмоний ва эстетик) жиҳатдан тўла камолотга эришган, ҳеч бир нуқсонсиз, мукаммал шахс. Айтиб ўтилганидек, “комил инсон” тушунчаси бевосита “баркамол шахс” атамасининг синоними саналади. Агарда “инсон” тушунчаси арабчадан таржима қилинганда “одам” [6, 213] маъносини англатса, “шахс” тушунчаси худди шу тилда “кимса”, “киши”, “эот” [7, 557] маъноларини англатади. Умуман олганда, “шахс” тушунчаси бир қатор атамалар билан синоним саналса-да, улар ўз моҳиятига қўра турли жиҳатларга қўра қўлланилади. Яъни: одам (биологик нуқтан назардан); инсон (фалсафий нуқтан назардан); шахс (ижтимоий нуқтан назардан); инсон (фалсафий нуқтан назардан); шахс (ижтимоий нуқтан назардан). Маълумки, нарса, буюм, предмет, жараён, воқеа, ҳодиса ёки ижтимоий субъектга нисбатан бирор-бир сифатнинг қўлланилиши уларнинг маълум хусусият, белгиларга эгалликлари билан қўлланилади. Шахсга нисбатан “баркамол” сифатининг қўлланилиши ҳам унинг қиёфасида муайян хусусиятлар, белгилар мужассамлигидан да-



лолат беради. Аслида ҳам баркамол шахс қандай хусусият, белгиларга эга? У бошқалардан қандай сифатлари билан ажралиб туради. Юқорида айтиб ўтилганидек, баркамоллик биологик (физиологик), руҳий ҳамда ижтимоий (ақлий, ахлоқий, жисмоний, эстетик, иқтисодий, ҳуқуқий) жиҳатдан тўла камолотга эришганлик, ҳеч бир нуқсонсизлик ва мукамалликни ифодалар экан, демак, баркамол шахс қиёфасида айнан ана шу жиҳатларни ёритишга хизмат қиладиган сифатлар намоён бўлиши зарур. Шу сабабли баркамол шахсга хос сифатлар тўғрисида сўз юритилганда ана шу жиҳатлар инобатга олиниши зарур. Моҳиятига кўра баркамол шахс ўзида юксак даражада ривожланган: биологик (физиологик); руҳий; ақлий; ахлоқий; жисмоний; эстетик; иқтисодий; ҳуқуқий сифатларни намоён эта олиши зарур.

Бутунги кунда замонавий тиббиётда балоғат (балоғатга етганлик) "репродуктив саломатлик" тушунчаси орқали фаол қўлланилмоқда. Латин тилидан таржима қилинганда "репродуктивлик" ("фертилик" – "fertilitas" – насл қолдириши) биологик (физиологик) жиҳатдан вояга етган организмнинг насл қолдириши лаёқатига эгаллиги [8]ни аниқлатади. Биология ва тиббиёт соҳаларида "репродуктивлик" тушунчасининг антоними сифатида "бепуштлиқ" атамаси қўлланилади. Бу тушунча одам ва ҳайвонга нисбатан "бепуштлиқ", ўсимликларга нисбатан эса "стериллик" (лот. "sterilis"), яъни "кўпая олмаслик" шаклида қўлланилади [8]. "Саломатлик. Оммабоп-медицина энциклопедияси" да ёритилишича, "бепуштлиқ" тушунчаси "вояга етган организмнинг насл қолдиришга ожизлиги" [4, 41] демакдир. Балоғатга етиш даврида ўсмирлар организмнинг насл қолдириши лаёқатига эга бўлишига эришишни баркамол шахсни тарбиялашда муҳим йўналиш сифатида эътироф этиш мумкин. Бинобарин, насл қолдириши барча тирик мавжудотларга хос хусусият ва тирикликнинг асоси, бош қонуни саналади. Ҳар бир инсон ҳаётининг давомийлиги ҳам унинг фарзандларга эгаллиги билан белгиланади. Маълумки, шахсининг балоғатга етиши ўсмирлик давридан бошланиб, ўспиринлик (15-18 ёш) даврига тўғри келади. Биологик (физиологик) қомиллик шахс томонидан ниҳоқ ва оила муносабатлари йўлга қўйилгандагина намоён бўлса-ю, ёшларни биологик (физиологик) жиҳатдан баркамол бўлиб етишлари учун эътибор ўсмирлик, ўспиринлик давридагина қаратилмайдۇ. Ҳар қандай йўналиш (ақлий, ахлоқий, жисмоний, эстетик ва ҳ.к.) тарбияда бўлгани каби жинсий тарбияни ҳам барвақт бошлаш мақсадга мувофиқдир. Замонавий тиббиёт ҳуло-



саларига кўра, жинсий тарбиянинг индивид ҳаётининг илк дақиқаларидан бошлаш тўғривдир. Чунки бу вақтда йўл қўйилган оддий хатolik (жинсий органларнинг шомоллашининг олдини олмаслик) ҳам шахсининг жинсий (биологик, физиологик) жиҳатдан номукамал бўлиб етишишига сабаб бўлиши мумкин.

Баркамол шахс руҳий жиҳатдан ҳам камолга етган бўлиши лозим. Руҳий жиҳатдан камолга етганлик биология, психология ва тиббиётда "руҳий ҳолат" ҳамда "руҳий соғломлик" тушунчалари билан тавсифланади. Руҳий ҳолат "индивид руҳиятининг барқарорлиги" ҳисобланади. Руҳий ҳолат куйидаги таркибий элементлар асосида намоён бўлади: ирода – саросима (довдираш), қатъиятlilik, тафаккур – иккиланмиш, иккиланмаслик; тасаввур – ҳаёлий ҳава (фантазия), орзу-умидларга эғалик; диққат – паршонлик, диққатнинг тўпланганлиги; ҳис-туйғулар – кучли ҳаяжон, хавотир, кайфият [1, 357].

"Катта психологик лугат"да "руҳий соғломлик" тушунчасига шундай таъриф берилган: руҳий соғломлик – кўнгил хотиржамлигининг ҳолати бўлиб, у шахсининг руҳий касалликлардан ҳолилигини, ҳаракатларининг бир-бирига ўзаро мослигини, ўз ҳаракатлари ва руҳий ҳолатини мустақил бошқаришни, режалаштирилган ҳаётини мақсадларга оғил ёндаша олиши ҳамда уларни тўла амалга оширишда фаоллик кўрсатиши [1, 357]ни ифодалайди. Дарҳақиқат, кўнгил хотиржам шахснинг аризмаган ҳолатлардан ташвишланмайдиган, беҳудага безовта бўлмайдиган, ҳаётини мақсадларига эришиш йўлида изчил, узлуксиз ва тизимли равишда барқарор қаракатларни ташкил этади, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини руҳий жиҳатдан бошқара олади; ўзини қўлга ола билди, зиддиятли вазиятларда ҳам оғир-босиқ, вазмин бўла олади, ўз ҳаётини, нафратини енга билди. Ижтимоий етуклик эса юқорида кўрсатилганидек, ақлий, ахлоқий, жисмоний, эстетик, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан камолга етганликдан далолат беради. Шахсининг ижтимоий етуқлигини тавсифловчи мазкур жиҳатлар бир қатор таянч тушунчалар билан номланади. Ақлий салоҳият – шахс интеллектининг юқори даражада ривожланганлиги, у шахсининг билимдон, фаҳм-фаросатли, зукко, тоғир, иқдоркор эканлиги, тезкор фикрлай олиши, тасаввурининг бойлиги, дунёқарашининг кенглигида намоён бўлади. Маънавий-ахлоқий етуклик – шахсининг фикрлаш, сўзлаш ва амалий ҳаракатларни ташкил этишда эзу гоёларга таяниши, фикр, сўз ва ҳаракатининг бирлиги ҳамда ўзаро мослигига таяниши бўлиб, инсоннинг томонидан



бирдек эътироф этилган сифатлар (камтарлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, атрофдагиларга меҳр кўрсатиш, ватанпарварлик, тинчликсеварлик, толерантлик, ҳар қандай ёвузликка нисбатан муросасизлик ва б.ғ.) эгаллигини аниқлатади. Жисмоний камолот – шахсининг функционал камолоти (ички аъзолар, асаб ва ҳаракат, суяк-мускул тизими, тана уйғунлиги ва уларнинг функционал фаолиятини бошқариш лаёқати) бўлиб, унинг негизда амалий ҳаракатларни бажаришдаги энчилик, чақонлик, тезкорлик, йиғинчоқлик, кучlilik ва б. сифатлар намоён бўлади.

Эстетик маданият – гўзалликни ҳис этиш, унинг моҳиятини аниқлаш асосида шахсининг ҳисий сифатлар (борлиққа, атрофдагиларга, уларнинг руҳий ҳолати ва ички кечинмаларига бефарқ, лоқайд бўлмаслик, уларга нисбатан ижобий муносабатда бўлиш, юксак маданият намуналарини қадрлаш, сохта ("оммавий") маданиятга нисбатан муросасизлик, гўзалликни ардоқлаш ва ҳ.к.)га эгаллик, бир сўз билан айтганда, ижобий ҳисий таъсирланишнинг акс этиши. Иқтисодий билимдонлик – иқтисодий билим асосларидан хабардорлик, бозор ишлаб чиқариши қонунилари (таълаб ва тақриф, кучли рақобат, таваккалчиликнинг моҳиятини пухта аниқлаш ва уларга мувофиқ тарзда ҳаракат қилиш бўлиб, унинг негизда тул маблағлари билан тўғри муомала қилиш, тул маблағларини ишлаб тултиштиришга уддуборонлик, ишбилармонлик, талбиркорлик, хусусий мулкка эғалик, иқтисодий операцияларни муваффақиятли амалга ошириш, олдинсотили муносабатларига вазиятни оқилона баҳолай олиш каби сифатларга эғаликни ифодалайди. Бозор ишлаб чиқаришига асосланган мавжуд шароитда шахсининг иқтисодий билимдон бўлмаслиги унинг ҳали тўла камолга етмаганлигини аниқлатади. Бинобарин, баркамол шахс нафақат ўзининг, балки оила аъзоларининг иқтисодий эҳтиёжларини қондира олиш, оила ҳўжалигини муваффақиятли юрита олиш лаёқатига эга бўла олиши зарур. Иқтисодий етишмовчилик эса доимо зиддиятлар, келишмовчиликларнинг "манбаи" ҳисобланади. Доимий иқтисодий етишмовчилик шахс руҳиятини шикастлайди, ўзини ва эртанги кунга бўлган ишончини барбод қилади, яшаш ингиёқини сўндиради. Бундай ҳолатлар эса шахс баркамоллигини белгиловчи меъорларга тамомилан зиддир. Ҳуқуқий салоҳият – шахсининг фуқаро сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқини билиш, ўзгаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, қонуниларни ҳурмат қилиш, ижтимоий ва ҳуқуқий меъорларга риоя этган ҳолда ҳаёт кечирини лаёқати. Шахсининг ҳуқуқий салоҳиятга эга бўлиши Ўзбекистонда фуқаролик жамияти барпо этилаётган мавжуд



шаронгда муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда баркамол шахс қиёфасида акс этиши зарур бўлган сифатларни яхлит ифодалаш мумкин.

Шундай қилиб, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда баркамол шахсни тарбиялаб вояга етказиш педагогик туркум фанлар, шу жумладан, тарбия назариясининг устувор нуқси этиб белгиланди. Баркамол шахс ўзида биологик (физиологик), руҳий ҳамда ижтимоий (ақлий, ахлоқий, жисмоний ва эстетик) жиҳатдан тўла камолотга эришганликни намоён этади. Мавжуд шароитда Ўзбекистонда оила – маҳалла – таълим муассасалари – ижтимоий ташкилотлар ҳамкорлиги асосланган тизим негизда баркамол шахсини тарбиялашга қаратилган амалий ҳаракатлар ташкил этилмоқда.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Большая психологическая энциклопедия. Самое полное современное издание. – Москва: Эксмо, 2007. – С. 357.
2. Педагогик атамалар лугати / Тузув.-муал.: Р.Х.Джурев ва б. – Тошкент: Н.Н.Қўри Ниёзий номидати Ўз ПФИТИ, 2008. – 10-бет.
3. Педагогика фанидан изоҳли лугат / Ж.Хасанбоев ва б. – Тошкент: "Фан" нашриёти, 2008. – 68-бет.
4. Саломатлик. Оммабоп медицина энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбек энциклопедияси Бош редакцияси, 1985. – 36-бет.
5. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Е – М / 5 жилди. Биринчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. Таҳрир ҳайъати: Э.Бегматов ва б. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. – 161-бет.
6. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Е – М / 5 жилди. Иккинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. Таҳрир ҳайъати: Э.Бегматов ва б. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. – 213-, 393-бетлар.
7. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Тартибот – Шукр / 5 жилди. Тўртинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. Таҳрир ҳайъати: Э.Бегматов ва б. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2008. – 357-бет.
8. Репродуктивность // www.viki.ru/